

## FUTURE TECHNOLOGY EDUCATION TEACHER PERSONALITY AND ITS ROLE IN SOCIETY

Atabaeva Khumorahon Muhammadjonovna

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, 1st stage master

### ABSTRACT

The article talked about the future of technology education as a teacher and his or her role in society.

**Keywords:** educational technology, pedagogy, quality of education, pedagogical skills, pedagogical technology.

## БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Атабаева Хуморахон Мухаммаджоновна

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 1- босқич магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бўлажак технология таълими ўқитувчи шахси ва унинг жамиятда тутган ўрни борасида гап борган.

**Калит сўзлар:** таълим технологияси, педагогика, таълим сифати, педагогик маҳорат, педагогик технология.

### INTRODUCTION

Ўқитувчилик фаолияти шарафли,фахрли ва масъулиятли касблардан саналади. Ўқитувчилик фаолияти жуда азалдан мавжуд бўлиб, у юксак даражада кадрланган ва эъзозланган касбдир. Ёшларни ҳаётга ҳар БОШҚОТИРМА ҳунармандчиликка оид яширин сўзлар(горизантал ва вертикал квадратларда) горизантал ва вертикал квадратлардаги яширин сўзларга берилган саволлар горизантал ва вертикал квадратлардаги яширин сўзларга берилган жавоблар ўқувчининг бошқотирмани бажариб олган баҳоси Бошқотирма квадратларида яширинган сўзлар ва ўқувчи топган сўзлар (ўқувчи ўз камчилигини англайди) 80 томонлама ақлий, жисмоний,маънавий тайёрлаган. Ўқитувчи томонидан таълим-тарбия топган бола ўз навбатида жамиятга, унинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Бир ўқитувчи юзлаб, минглаб болаларнинг камол топишида ўз ҳиссасини қўшган. Шунинг учун ҳар доим ўқитувчи-мураббийлик фаолиятини касб қилиб олган кишилар жамият ва давлат ардоғида бўлган. Ҳурматли президентимиз 2020-йил 1- октябр Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағиланган табригида жуда зарур масалаларини таъкидлади ва бундан хабаримиз бор.Айниқса технология таълими ўқитувчилари учун зарур муаммо секин-аста ҳал этилмоқда.Жуда ҳам кўп мактабларимизда ўқув устоханалармавжуд эмас дарслар номигагина ўтилмоқда. Технология таълими бу мураккаб фандир яъни бир неча фанларнинг бирлашишидир (физика,математика,чизмачилик ва ҳ.к.).Бу фан бўйича

технология ва дизайн ,сервис хизмати йўналишларига оид умуман замонавий техник воситалар жихозлар етишмайди мавжудлари ҳам маънан ва жисмоний эскирган. Бу муаммолар албатта технология таълими ўқитувчини жамиятда тутган ўрнига таъсир этади.Ўзбекистон саноатлашган мамлакат сари ривожланмоқда албатта янги касблар пайдо бўлиқда шу ўринда замонавий жихозлар билан таъмилаш вақти келди деб ўйлайман.

Ҳар қандай касб эгаси дастлабки маълумотни ўқитувчидан олади, жамият тараққиётига бевосита ҳисса қўшади. Албатта бу касбнинг масъулиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жамият унинг қулига ишонган ҳолда ёш авлодгни топширади. У жамиятнинг ишончли вакили сифатида ёшларгаа билим бериши, уларда Ватанга, меҳнатга, касбга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириши лозим. Бундан ташқари у педагогик одобга, виждон поклигига эга бўлмоғи лозим.Ўқитувчининг шахсий сифат ва хусусиятларини шахсига қўйиладиган асосий талабалар белгилаб олинади. Технология таълими ўқитувчини шахсий хусусиятлари ичида мотив етакчи ўринда туради. Мотив-ўқитувчининг ҳаётда жамиятда тутган роли, интилишларини белгилаб беради. Ижобий мотивга эга бўлган ўқитувчи жамият олдида турган ўз вазифаси ва фуқаролик бурчини чуқур ҳис этади, ўз касби ва ўқувчиларни севади, ўзи устида тинмай ишлайди.

Технология таълими ўқитувчининг шахсий сифат ва хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин: гуманистик ва демократик йўналиш, жамиятда ўз фуқаролик бурчини англаб етиш, педагогик касби ва болаларни севиш, педагогик одоб, маънавий, энг муҳими билимга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж, ташкилотчилик қобилияти, ўзини тута билиш, ўз маълумотини ошириш устида ишлаш ва ҳақозо. Булар ўқитувчининг энг муҳим сифат ва фазилатлари десак ҳам бўлади. Аслида, бу сифат ва хусусиятларнинг сони, миқдори ниҳоятда кўп. Ўқитувчининг касбий-педагогик билим ва кўникмаларини гуруҳларга ажратиб тушунтириш. Яъни, ўқитувчи учун шахсий хусусиятларнинг ўзи етарли эмас, балки педагогик фаолият кўрсатиш учун умумкасбий ва махсус билим ва кўникмалар ҳам зарурлиги айтиб ўтилади. Технология таълими ўқитувчисининг касбий педагогик билимлари қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқитувчи фанининг методологик асослари, таълим ва тарбия жараёнининг ички қонуният ва қоидалари, мақсад ва вазифалар, мазмуни, ташкилий шакл ва усуллари: ўқувчи болаларнинг ёш психологияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларни; болалар анатомияси, физиологияси ва мактаб гигиенаси асослари; фанлар назарияси ва уларни ўқитиш методикасини чуқур билиши зарур. Технология таълими ўқитувчи учун билимни ўзи етарли эмас, балки у назарияни амалиёт билан боғлай олиш кўникмасига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун унга педагогик кўникмалар керак бўлади.

Педагогик кўникмалар-бу турли ўзгарувчан шароитларда педагогик вазифаларни ҳал етишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Ўқитувчи педагогик кўникмаларни ўз характер таркибий қисмларга ажратиш мумкин: ташхислаш, лойиҳалаштириш ва режалаштириш, ахборот бериш, қадрий- эмоционал йўналтириш, мулоқот қила олиш, ташкилотчилик ва рефлексив кўникмалар. Бу педагогик кўникмаларнинг ҳар бир ўқитувчи фаолиятида алоҳида ўрин тутаяди ва бири-иккинчисини тўлдириб боради. 1) Ташхислаш (диагностик) кўникмаси -ўқитувчининг ўқувчилар билим савияси, ривожланганлик даражаларини аниқлашга қаратилган ҳаттаҳаракатини характерлайди.

2. Лойиҳалаштириш ва режалаштириш кўникмаси- ўқитувчининг ташхислаш асосида дарс лойиҳасини педагогик технологиялар асосида тузиш, дарс коспекти ёзиш билан боғлиқ. 3. Ахборот бериш кўникмаси-ўқув дастури материалларга пухта суянган ҳолда ўқувчиларга раво тилда маълумот бериш, улар билан тескари алоқа ўрната олишга қаратилади. Қадрий- эмоционал йуналтириш кўникмаси- ўқувчиларни умумбашарий ва миллий мафкуравий, илмий, маданий қадриятларга нисбатан қизиқиш, эҳтиёжи ва ижобий муносабатларини шакллантиришга қаратилган.

Мулоқот қила олиш кўникмаси- бу ўқитувчига ҳар би ўқувчи, синф жамоаси, уларнинг ота- оналари, педагогик жамоа билан тўғри муносабат ўрната олишни талаб этади. Ташкилотчилик кўникмаси- ўқувчиларнинг турли фаолиятлари (ўйини, ўқувбилиш, меҳнат, спорт, бадий) ташкил эта олишга қаратилган ҳаттиҳаракатлар. Тадқиқотчилик кўникмаси-ўқитувчисидан доим изланувчанликни, ўз устида ишлашини, синов- тажрибалар ўтказиб туришини талаб этади. Рефлексив кўникма- бу ўқитувчининг ўз фаолият жараёни, унинг натижаларини назорат қилиш, баҳолаш, уларга тузатишлар киритиш билан характерланади. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки амалиётда технология таълими ўқитувчиларини мавқеини кўтариш ҳам ўз навбатида ўзига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи замонавий ишлаб чиқариш технологияларини билиб бориши ўз устида тинмай изланишда бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## REFERENCES

1. Sharifovna, X. Z., Taxirovna, A. M., Akmalovna, N. D., Askarjanovna, S. N., Akramovna, A. N., & Isroilqizi, U. I. (2021). Marketing Research of Medicines Used in Urinary Infectious Diseases. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 5177-5180
2. Xidoyatova, Z. S., Azimova, N. A., Azimova, M. T. (2021). Analysis Of The Assortment Of Drugs With A Sedative Effect. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(1), 81-86.
3. ARIFJANOVICH, Y. S. Psychological Training Of Athletes With Locomotor System Damage. *JournalNX*, 6(09), 138-141.
4. Кобиллов, А. У., & Джурабоев, А. М. (2020). Технологии компьютерного дистанционного обучения. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 287-293.
5. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the Reliability of the Test form of Knowledge Control in Cluster Education. *Psychology and Education*, 59(2), 403-418.
6. Soipova, M., Ibragimova, S. G., Yulchiboeva, D. (2021). Psychological features of the formation of the interest of primary schoolchildren in learning. *Giperpsichologi Behavior and Social Networking*, 2(5), 727-730.
7. Sultonova, N. A., Ibragimova, S. G., Xolqoziyeva, D. (2020). Introduction, literature review and discussion. *Evropean journal of Research and Reflectien in Education Sciences*, 4(3), 115-119.
8. Kurbanova, F. K., Botirova, M., & Abdurahmonova, S. (2022). Promoting learning and developing cultural competence. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 914-917.
9. Kurbanova, F. K. (2022). Methods of developing intercultural competence of future teachers in the condition of teaching a foreign language. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2022(2), 202-213.

10. Kurbanova, F. K. (2021). Methods of Developing Intercultural Competence of Future Teachers in The Condition of Teaching a Foreign Language. *Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics*, 7(1), 9-16.
11. Kurbanova, F. (2021). Peculiar features of english and uzbek speech etiquette. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1850-1855.
12. Kurbanova, F. K. (2020). Role of foreign language in the modern world. *Экономика и социум*, 4(71), 60-62.
13. Kurbanova, F. K. (2020). Language units denoting cultural features of a nation. *Academic research in educational sciences*, 1(3), 980-984.